**Ушбу сонда:**
2 ЎЗИ ХОН, КЎЛАНКАСИ МАЙДОН
3 ҲАЁТ ЧАҚИРАДИ БИЗНИ ЁНИГА
4 *Премьера...* «ДАРАХТЛАР ТИК ТУРИБ ЖОН БЕРАДИ»

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 19 феврал, шанба № 30 (1871)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

***18 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2004 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокама этилди.***

***Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев бошқарди.***

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузасида 2004 йилда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий якунларига тўхталар экан, ўтган йил биз учун осон кечмаган бўлса-да, эришилган ютуқлар барчамизни қувонтиришини алоҳида таъкидлади. Авваламбор, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди.

Ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий сектор улушини кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, товар ва валюта бозорларини эркинлаштириш, маъмурий ислоҳотларни кенг жорий этиш туфайли ижтимоий-иқтисодий соҳада муайян ижобий ўзгаришларга эришилди.

Иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари таъминланди ва ўтган йил якунлари бўйича 7,7 фоиз ўсди. Саноат ишлаб чиқариши -9,4, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш - 13,4, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш - 13,8, чакана товар айланмаси ҳажми - 4,7, асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ўсиши 5,2 фоизни ташкил қилди. Макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Истеъмол нархлари инфляцияси 3,7, давлат бюджети тақчиллиги 0,4 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тизими тубдан ўзгарди. Ушбу тизимда етакчилик роли фермер хўжаликларига ўта бошлади. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг 10,1 фоиз ўсишини таъминлади.

Экспорт ҳажми кескин ортиб, 1,3 баравар ўсишга эришилди. Бу эса 1037 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдони таъминлаш имконини берди. Айни вақтда тайёр маҳсулотлар экспорти 52 фоиз ўсди.

Давлат муассасаларининг ортиқча ва бир-бирини такрорлайдиган функцияларига барҳам бериш борасида сезиларли ишлар қилинди. Давлат бошқарувининг 20 га яқин органини тугатиш ва қайта ташкил этиш, бошқарув аппаратларида 40 минг штатни қисқартириш йўли билан давлатнинг иқтисодиётдаги ролини муайян даражада камайтиришга муваффақ бўлинди. Айни пайтда хомашё ва материалларнинг стратегик турларини биржа ва кимошди савдолари орқали сотишнинг бозор механизмлари такомиллаштирилмоқда.

2004 йил давомида инвестиция фаоллиги суръатлари тезлашди. Инвестиция ҳажми 5,2 фоиз, шу жумладан тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий инвестициялар 2 баравардан ортиқ кўпайди. Ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобига 130 га яқин йирик саноат, коммуникация ва инфратузилма объектлари қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Иқтисодий ўсиш, янги иш ўринларининг кўпайиши ва истеъмол нархлари инфляцияси даражасининг пасайиши аҳолининг реал пул даромадлари 15 фоиз ўсишини таъминлади. Муҳим ижтимоий дастурлар, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Меҳр ва мурувват йили», болалар спортини ривожлантириш, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларининг мўлжалланган параметрлари ва бошқа мақсадли чора-тадбирларнинг бажарилиши аҳолининг турмуш шароитини анча яхшилаш имконини берди.

Шу билан бирга, мажлисда ўтган йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жабҳасида қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги танқидий таҳлил этилди. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳасида мавжуд ғов ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича белгиланган комплекс чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминламади.

Хусусийлаштириш жараёнига инвестицияларни, илғор технологияларни ва замонавий бошқаришни жалб этиш мақсадида хорижий инвесторлар билан ўзаро ҳамкорликнинг самарали тизими яратилмади. Банк соҳасида иқтисодий ислоҳотлар суст амалга оширилмоқда. Солиқ тизимини тубдан такомиллаштириш зарурати етилган, хусусан, соҳада кадрлар билан ишлашни ташкил этиш замон талаблари даражасида эмас.

Жойларда ерларни ажратиш ва фермерларни танлаш бўйича ошкора бўлмаган тартиботлар амалиёти ҳамон учраб турибди. Уй-жой-коммунал хўжалигида ислоҳотлар қониқарсиз амалга оширилмоқда. Монополиядан чиқариш органлари эркинлаштириш ва рақобатли тадбиркорлик муҳитини яратиш жараёнларида ўз ўрнини топмади. Кичик ва хусусий бизнес корхоналари маҳсулотларини экспорт қилишга кўмаклашиш тизими ташкил этилмаган.

Мажлисда вазирлик ва идораларда, хўжалик бирлашмаларида сақланиб қолаётган бюрократик услуб, раҳбар ходимларда олдинда турган мақсад ва вазифаларни ҳал этиш учун зарур масъулият ва омилкорликнинг етишмаслиги мавжуд нуқсон ва камчиликларнинг асосий сабаби эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз ҳукуматнинг янги таркиби билан Оқсаройда ўтказилган йиғилишда сўзлаган «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди» мавзуидаги нутқида таъкидлаганидек, ҳозирги кунда ислоҳотлар тақдирини, аввало, давлат ва ҳукумат идораларида масъул лавозимда ўтирган одамлар ҳал қилишини, бинобарин, улар шу масалага бевосита жавобгар эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз шарт. Шу маънода, мажлисда раҳбар ходимлар ўзлари бошқарадиган соҳа ёки ҳудудларда ислоҳотларнинг тўла амалга оширилиши учун шахсан масъул эканликлари яна бир бор уқтирилди.

Йиғилишда баҳорги дала ишларига ўз вақтида тайёргарлик кўриш, белгиланган муддатларда қишлоқ хўжалиги корхоналари билан кредит битимлари тузишни туғаллаш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини тегишли шартномалар асосида ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш, кўкламги агротехника тадбирларини ўтказишда ишлатиладиган барча қишлоқ хўжалиги техникасини тайёрлаш зарурлиги қайд этилди.

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига ўн кун муддатда Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида ва Оқсаройда Вазирлар Маҳкамасининг янги аъзолари иштирокида ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган талабларга асосан иқтисодиёт тармоқларида, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иқтисодий ислоҳотларнинг боришини танқидий кўриб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлайдиган зарур чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш топширилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди. Кўрилган масалалар юзасидан Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Асқаров, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев, Марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажонов, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Ж.Сайфиддинов, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Исмоилов, Бухоро, Жиззах, Наманган, Тошкент вилоятлари ҳокимлари С.Ҳусенов, У.Яманқулов, И.Нажмиддинов, К.Тўлаганов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**(ЎзА)**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,*

*Украина Президенти этиб сайланганим муносабати билан йўллаган самимий табригингиз ҳамда Украина халқига билдирган эҳтиромингиз учун Сиздан ғоят миннатдорман.*

*Ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари борасидаги қарашларингизни тўла қўллаб-қувватлайман.*

*Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатлар ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли бундан буён ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида мустаҳкамланиб, такомиллашиб бораверишига ишончим комил.*

*Ҳамкорлигимизнинг энг истиқболли йўналишларидан бири ёқилғи-энергетика мажмуи бўлганлиги боис яқин вақт ичида бу соҳада ўзаро келишилган ҳолда тегишли ҳужжатлар имзоланади, деган умиддаман.*

*Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ўзингиз учун қулай вақтда Украинага ташриф буюришга таклиф этмоқчиман ҳамда Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, чин дилдан мустаҳкам соғлиқ ва давлатни бошқариш фаолиятингизда янги муваффақиятлар, серқуёш Ўзбекистоннинг дўст халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.*

*Камоли эҳтиром билан,*

**Виктор ЮЩЕНКО,**
**Украина Президенти**

*Ўзбекистон касаба уюшмалари қурултойдан-қурултойгача*

## ҲАР БИР АЪЗО

### имтиёзлардан баҳраманд бўлсин

***Сафларида миллионлаб аъзоларни бирлаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари ўз аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича муайян ишларни амалга оширишмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари III-қурултойининг талаблари ва Ҳаракат Дастуридан келиб чиққан ҳолда ташкилотчилик ва ташаббускорлик фаолияти янада кучайтирилмоқти.***

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳисобот давридаги фаолиятини тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг III ва Ўзбекистон касаба уюшмаларининг охирги қурултойлари қарорлари асосида олиб борди. Айни пайтда мамлакатимиз иқтисодиётини бошқаришда давлат иштироки қисқармоқда. Тадбиркорлик ривожланиб, иқтисодий муносабатлар эркинлашаяпти. Мазкур ўзгаришлар касаба уюшмалари олдига ўз вазифаларини қайта кўриб чиқиш, тасарруфидаги ташкилотларнинг иш услубларини такомиллаштириш, ихтиёрларидаги маблағлардан самарали фойдаланиш вазифасини қўймоқда. Шунингдек, кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш, чет эл ижобий тажрибаларидан фойдаланиб ташкилотимизга юклатилган вазифаларни бажариш, ахборот технологияларни жорий этиш каби тадбирлар ҳам бирламчи вазифаларимиздандир.

Тармоғимиз икки бўғинли тизимга асосланган ҳолда фаолият кўрсатяпти. Марказий қўмитамиз бошланғич касаба уюшмалари билан бевосита ишлаши, Марказий қўмита аппарати ходимларининг вақтидан самарали фойдаланиш, учраётган муаммоларни тезкорлик билан кўриб чиқиш ҳамда касаба уюшма маблағларининг тежалиши ушбу тизимнинг афзаллигидан далолат беради. Бундан ташқари, бошланғич касаба уюшма қўмиталари билан бевосита ишлаш меҳнат жамоаларида юзага келаётган вазиятларни тезкорлик билан баҳолаш ва зарур чора-тадбирларни кўриш имкониятини яратди.

Шу мақсадда алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига қарашли корхоналарнинг касаба уюшма ташкилотлари электрон алмашувига ўтган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш тўғрисида»ги Фармонига кўра биз бошланғич ташкилотлар учун кўпгина қулайликлар яратдик. Мазкур қарорга кўра веб-саҳифаси ташкил қилинди. Унда касаба уюшма фаолияти учун зарур бўлган барча меъёрий ҳужжатлар, касаба уюшмалари ҳаётидаги янгиликлар акс этди.

Касаба уюшма ташкилотлари ўртасида ахборот алмашинувини яхши йўлга қўйиш мақсадида 8 та компьютер олдик. Айрим вилоят касаба уюшма қўмиталари хўжаликлар ёрдамида компьютер олишди. 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб электрон алмашувига ўтдик. Асосий вазифамиз тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитасида бўлаётган ҳар бир янгилик авваламбор вилоятга, туманларга етиб борсин. Улардан эса бошланғич ташкилот, касаба гуруҳлари ва цех қўмиталарига чиқиш мумкин.

Шу билан бирга Марказий қўмитада тақвим ишлаб чиқариб, барча аъзо ташкилотларига тарқатдик. Мақсадимиз ҳар бир касаба уюшма аъзоси ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини танисин.

**(Давоми 2-бетда)**



*Фарғона вилояти касаба уюшмалари конференциясидан*

## ЭЛ НАЗАРИДАН ҚОЛМАЙЛИК

***Уюшқоқлик ва ўзаро талабчанлик руҳида ўтган анжуманда ҳисобот даврида эришилган натижаларга танқидий нуқтаи-назардан ёндошилди, нуфузли жамоат ташкилоти жанговарлигини ошириш, меҳнаткашларнинг ҳақиқий суянчиғига айланиши йўлидаги муаммоларга алоҳида тўхталди. Маърузачи ва музокараларда сўзга чиққан нотиқлар мақсадга эришишда жамоатчилик назоратини ташкил этишга оид тадбирлар катта рол ўйнаганлигини алоҳида таъкидладилар.***

Бу йўналишдаги ишлар Ўзбекистон телевидениеси ҳамда газета-журналларда кенг ёритилди. Касаба уюшма ташкилотлари ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда жумладан, 2002 йилда ишчи-ходимларга яратилган меҳнат шароитлари ҳамда Меҳнат Кодекси талаблари бажарилиши юзасидан 66 та текшириш ва таҳлиллар ўтказиб, шулар асосида материаллар тақдим этдилар. Натижада қанчадан-қанча меҳнаткашнинг ҳуқуқий манфаатлари тикланди.

Жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан аксарият касаба уюшмалари муайян тажриба тўплади. Фаолиятда изчиллик, қатъиятлик, пировард натижа учун масъуллик сезилганлиги ўз самарасини кўрсатди. Икки ёшгача боласини тарбиялаётган оналарга нафақа тўланиши, ногиронликни белгилаш, ёшга доир пенсияларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўлови, шунингдек, меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш устидан кутилган даражадаги жамоатчилик назорати ўрнатилди. Вилоят касаба уюшмалари ҳисобот даврида тармоқ келишувлари ҳамда жамоа шартномаларини қонун талабларига мувофиқ бўлишига, сифатига алоҳида эътибор қаратди. Меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган имтиёз ва кафолатлар ҳисобига ҳар бир касаба уюшма аъзосининг манфаатдорлик даражаси ошиб бораётгани қувончлидир.

**(Давоми 3-бетда)**



Наманган тиббиёт коллежига 1999 йили коллеж мақоми берилган эди. Ўтган давр мобайнида ўқув юртида таҳсил олган йигирма минг нафардан зиёд йигит-қизлар ўрта тиббиёт ходими ихтисослигини эгаллашди.

Айни пайтда коллежда талабаларнинг яхши ўқишлари ва мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит яратилган. Иккита талабалар ётоқхонаси, ошхона, маънавият хонаси, талабалар дам олиш майдончаси улар хизматида. Бундан ташқари, бу ерда кутубхона, 3 та компьютер синфи ва лингафон хонаси мавжуд. Замон талаблари даражасидаги компьютерлар Интернет тармоғига уланган.

Коллежда талабалар доячилик, ҳамширалик, лаборатория, диагностика, дорушунослик, тиббий профилактика йўналишлари бўйича мутахассис бўлиб етишиб чиқади.

**Суратларда: тиббиёт коллежи талабаси Гулноза Бахриддинова; талабалар кутубхонаси.**

**Х.МАМАДАЛИЕВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

***«Интерфакс» агентлигининг хабарига кўра, 2005 йил 17 февралда Қарағанда шаҳрида «Ҳизбут-таҳрир» экстремистик ташкилотининг тарафдори қўлга олинган. Унинг ёнидан портловчи мослама ва экстремистик мазмундаги варақалар топилди.***

## «ҲИЗБУТ-ТАҲРИР» АТАЛМИШ ТАШКИЛОТНИНГ «БЕОЗОР» АЪЗОЛАРИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Вилоят полициясиси матбуот хизматидан маълум қилишларича, вилоят ички ишлар бош бошқармаси уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ходимлари ўтган чоршанба куни эрталаб «Ҳизбут-таҳрир» тарафдорини қўлга олган. У ижарада турган хонадонда ўтказилган тинтув чоғида кўрпача тагидан араб ва рус тилларидаги экстремистик мазмундаги 140 та варақа топилди. Шунингдек, унинг ёнидан портловчи мослама чиқди.

Қирғизистоннинг «АКИ-пресс» ахборот агентлиги хабарларига кўра, шу кунларда Ўш вилояти ва шаҳри ички ишлар бошқармалари ходимлари махсус операция ўтказган. Унинг давомида Қорасув шаҳрида диний-экстремистик гуруҳлар билан алоқадорликда гумон қилинган 1976 йилда туғилган йигит қўлга олинди. Илгари судланган мазкур фуқаронинг уйидан салкам 1 килограмм портловчи модда, 2 та детонатор ва 28 сантиметр бикфорд ипи топилди. Бундан ташқари, унинг уйидан диний-экстремистик мазмундаги кўплаб варақалар, китоблар ва видеокассеталар чиқди.

Мавжуд маълумотларга кўра, қўлга олинган шахс «Ҳизбут-таҳрир»нинг фаол аъзоларидан биридир.

**(ЎзА)**

*Фермер — мулкдорлар синфининг истиқболли вакили*

## ЎЗ ЕРИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ХЎЖАЙИНЛАРИ

Йилни 40 миллион сўм фойда билан якунлаган Косон туманидаги «Тўлға» деҳқон фермер хўжалиги 30 та кам таъминланган оилани ҳомийликка олган. Қишлоқда яшовчи ногиронларга доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Тайлоқ Ёрқулов номли мактаб иситиш тизимларини алмаштиришга бир миллион, қишлоқни газлаштиришга 600 минг сўм маблағ ажратилди. Бўлмас қишлоқ шифохонасига 400 минг сўмлик жиҳозлар, «Яшил» болалар боғчасига 300 минг сўмлик ўйинчоқлар тақдим этилди. Ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатишга олинган фойдадан 5 миллион сўм маблағ сарфланди.

«Темирхўжа» деҳқон фермерлар уюшмаси касабақўми ҳисобида мингга яқин аъзо бор. Хўжалик ҳудудида 120 та фермер мавжуд. Касаба уюшма йиғилишларида қишлоқ аҳлининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларининг муҳофазаланиши, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши муҳокама этилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилади.

Касабақўм раиси Саҳаддин Йўлдошевнинг айтишича, 35 та кам таъминланган оилага 220 минг сўм моддий ёрдам берилди. 16 нафар ишчи мамлакатимиздаги турли сиҳатгоҳларга юборилди. Деҳқон Дўланов, Шомурод Шомуродов, Расул Қудратов, Анвар Абдулазизов бошлиқ фермер хўжаликларидаги касаба уюшма ташкилотлари аҳоли турмуш фаровонлигини ўстириш, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофазалашга қаратилган ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси тизимида 40 та бошланғич ташкилот бўлиб, 19767 нафар аъзони бирлаштириб турибди. Ўтган икки йилда бошланғич ташкилотлар 6 тага, аъзолар сони 2004 нафарга кўпайди. Меҳнат бозорини ва аҳоли бандлигини ривожлантиришга кўмаклашиш, меҳнат муҳофазаси, маънавият-маърифат, ҳуқуқ маданиятини юксалтириш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш вазифалари белгиланган.

Туманда 18 та ширкат хўжалигида мулк шакли ўзгариб, ер деҳқонларга танлов асосида бўлиб берилди. Фермер хўжаликлари сони 2872 тага етди. 71,8 минг тонналик пахта хирмони яратилиб, 6,9 миллиард сўм соф фойда олинди. Ғаллачиликдан 2 миллиард 910 миллион сўм фойда келди. Туманнинг ялпи даромади 24 миллиард сўмдан ошиб кетди.

«Чироқчи», «Гувалак», «Пистали», «Сурхон», Абдулла Набиев номли, «Андабозор», «Майдаёви», «Ширинтепа», «Жарқум», «Гулистон» фермер хўжаликлари уюшмаларида олинган фойданинг 60 фоизи ижтимоий инфратузилмани юксалтиришга сарфланмоқда.

Қурилиш ва ободонлаштириш юмушлари давом этмоқда. Бир йилнинг ичида 42 километрдан ортиқ газ, 20 километрли ичимлик сув қувурлари тортилиб, 7 та қишлоққа «зангори олов» етиб борди. Мактаб, маҳалла гузари, 2 та қишлоқ врачлик пункти, 3 та болалар спорти мажмуаси қуриб битказилди. Фермер хўжаликларида йиллик мукофотдан ташқари ўртача ойлик 35-40 минг сўмдан ошди.

Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат Кодекси», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунига корхона ва хўжаликларда амал қилинмоқда. Ишчилар учун техник ва экологик жиҳатдан хавфсиз, соғлом турмуш шароитларини яратиш устидан назорат ўрнатилган.

Тумандаги «Шеров Ғиёс бобо», «Эшқулобод», «Шоймардон бобо», «Равшанқул ота», «Орзиқул полвон Шарипов», «Саид Ҳусан бобо ўғли» каби фермер хўжаликларида жамоа шартномалари тузилган бўлиб, асосий эътибор меҳнат аҳли учун қулай шароит яратишга қаратилган.

– Хусусий тадбиркорлар, деҳқон-фермер хўжаликлари аъзоларини ижтимоий муҳофазалаш жамоа келишувида ўз ифодасини топган, - дейди касаба уюшмалари туман кенгаши раиси Равшан Шоймардонов. – Касаба уюшмалари фаолияти такомиллашиб, одамлар ўртасидаги обрў-эътибори ошиб бормоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли «Саъдулла бобо» хусусий бозори хизматчиси Абдукамол Мирзаевнинг тўланмаган иш ҳақи ундириб берилди. Матлубот жамияти ишчиси Норбиби Қурбонова вазифасига қайта тикланди. Уй бекаси Гулдаста Зариева болалари учун нафақани вақтида оладиган бўлди. 1500 дан ортиқ киши ишга жойлаштирилди.

«Косон ёғ-экстракция» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси, «Темирхўжа», «Косон» фермерлар уюшмаси, «Косондон» очиқ ҳиссадорлик жамияти бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятларини такомиллаштириб, иш самарадорлигини таъминламоқдалар.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

# Ўзбекистон касаба уюшмалари қурултойдан-қурултойгача

*(Боши 1-бетда)*

## ҲАР БИР АЪЗО
### имтиёзлардан баҳраманд бўлсин

Яна бир асосий мақсадимиз шундан иборатки, келишувлар ва битимлар, жамоа шартномалари жуда машаққат билан тузилади. Шунча меҳнат натижасида юзага келган мазкур ҳужжатнинг асл моҳиятини ҳар бир касаба уюшма аъзоси билиши керак. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, айрим жамоаларда аъзоларимиз мазкур ҳужжат тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмаслар. Бу масала бўйича биз тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг раёсати мажлисида келишиб олдик. Ҳар бир почта бўлимига, ҳар бир АТСга, ҳатто 5-10 нафар алоқачи ишлайдиган жамоага ҳам жамоа шартномаларидан кўчирма қилиб беришимиз шарт. Шу мақсадда биз тармоқ келишувини китобча ҳолида нашр этдик. Юқорида айтганимдек, жамоа шартномалари етиб бормаган жойларда унда кўзда тутилган имтиёз ва тадбирлардан оддий аъзолар бехабар қолишмоқда. Бунинг натижасида эса улар ўзларига тегишли бўлган имтиёзларни иш берувчидан талаб қила олишмайди.

Касаба уюшмамиз тизимидаги гуруҳлар ва цех қўмиталари фаолиятига айрим бошланғич ташкилотлар томонидан эътибор сусайган. Рақамларга мурожаат қилайлик. 1995 йилда касаба уюшма гуруҳларининг сони 2 минг 108 тани ташкил этган бўлса, 2003 йилга келиб, 1 минг 839 тага тушиб қолди. Шу боисдан ҳам биз касаба гуруҳ ҳамда цех қўмиталарининг фаолиятларини ҳар томонлама ривожлантиришимиз керак.

Кейинги пайтларда тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитаси иш берувчилар билан ижтимоий шерикчилик асосида келишув ва жамоа шартномаларини замон талаблари асосида тузишга алоҳида эътибор бермоқда. Марказий қўмита раёсати республикамизда бозор муносабатларининг чуқурлашуви шароитида касаба уюшмалари иш услублари ва йўналишларини такомиллаштира бориб, тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда мазкур ҳужжатдан оқилона фойдаланиш учун барча чораларни кўряпти. Тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларининг таъсирчанлигини оширишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бугунги кунга келиб битта тармоқ келишуви, акциядорлик компаниялари билан 3та келишув ва 158 та жамоа шартномалари амал қиляпти. Ҳисобот даврида Марказий қўмита раёсати аъзоларининг бевосита иштирокида 2000 - 2002 ва 2003 - 2005 йилларга тармоқ келишувлари тузилди. Ўтган йили қабул қилинган жамоа шартномаларининг сони 2000 йилга нисбатан 18,8 фоизга ошди. Тармоқ меҳнаткашларини жамоа шартномалари орқали қамраб олиниши 2000 йилда 89,6 фоиз бўлган ҳолда, 2004 йилда бу кўрсаткич 99,8 фоизга етди.

Жамоа шартномалари ва келишувларининг бажарилиши доимий назоратга олинган. Мазкур ҳужжатлар йилига камида икки марта меҳнат жамоаларининг йиғилиши, конференцияларида, келишувларнинг бажарилиши эса акциядорлик компаниялари Директорлар кенгаши ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раёсатининг қўшма мажлисларида кўриб чиқилмоқда.

Кузатувлардан шу нарса маълум бўлаяптики, келишув ва жамоа шартномаларининг роли ва аҳамияти йил сайин ошаяпти. Шу билан биргаликда уларнинг сифат даражаси ҳам кўтарилмоқда.

Ҳисобот даврида доимий равишда меҳнатга ҳақ тўлаш, ойлик иш ҳақи ва ягона тариф сеткасининг миқдорини ошириш бўйича доимий равишда чора-тадбирлар кўрилди. Алоқа ва ахборотлаштириш тизимида битта ходимнинг ойлик иш ҳақи 2000 йилда 18,2 минг бўлган бўлса, 2004 йилнинг биринчи ярим йиллигида бу рақам 61,9 минг сўмга етди. Мазкур кўрсаткич, «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси бўйича 3,3 «Ўзбекистон почтаси» акционерлик жамияти бўйича 3,5, «Матбуот тарқатувчи» акционерлик компанияси бўйича 4,7 баробарга ошди.

Тармоқда ойлик маошни ўз вақтида тўланиши бўйича мониторинг ўтказиб келиняпти. Натижалар шуни кўрсатяптики, бу борада энг аввало иш берувчининг жавобгарлигини ошириш зарур. Шунга биноан 1996 йилдан бошлаб ойлик маошни вақтида тўламаган иш берувчига нисбатан жарима қўллаш ҳамда йил давомида икки ва ундан ортиқ сурункали ойлик маошни вақтида тўламаслик ҳолатлари такрорланса, ушбу иш берувчининг ўз лавозимига лойиқлик масаласи кўрилиши ҳақидаги банд ҳам киритилди. Мана шу саъй-ҳаракатлар натижасида тармоқда бу борада муддати ўтган иш ҳақидан қарздорлик йўқ.

Ҳисобот даврида барча компаниялар, филиаллар, корхоналар томонидан меҳнат таътилига чиқиш, яқин қариндошларини дафн этишга, биринчи марта қонуний никоҳдан ўтиш, пенсияга чиққан кишиларга доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. 2000 - 2004 йиллар мобайнида 9 минг 500 нафар киши республикамиздаги санаторий ва дам олиш уйларида саломатликларини тикладилар. «Фарғонателеком» филиалида, Тошкент алоқа технологиялари университетида ишлаб турган санаторий-профилакторийларда меҳнаткашлар ишдан ажралмаган ҳолда соғлиқларини тиклаш имкониятига эга бўлишди.



Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида эса 18 минг 910 нафар фарзандларимиз хордиқ чиқаришди. Лекин бу борада айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, йил сайин оромгоҳлар сони камайиб бормоқда. 1999 йилда 9 та оромгоҳ фаолият кўрсатган бўлса, 2004 йилга келиб улар сони 5 тага тушиб қолди. Шунингдек, Тошкент вилоятидаги «Қорабулоқ» дам олиш уйи ҳам ўз фаолиятини тўхтатди. Бухоро, Қашқадарё, Тошкент вилоятларидаги болалар ёзги оромгоҳлари қайта таъмирлашга муҳтож. Шу боисдан ҳам биз келишувлар ва жамоа шартномалари орқали ушбу масканларни сақлаб қолиш ва кўнгилдагидек ишлатиш учун барча чораларни кўришимиз зарур.

Ўтган йиллар давомида маданий-маърифий йўналишда ҳам кўпгина тадбирлар ҳаётда ўз аксини топди. Шулар қаторида 2001 йил ўтказилган «Алла», 2004 йил бўлиб ўтган «Энг саховатли оила» кўрик-танловлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда физкультура ва спортни келгусидаги ривожининг чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори касаба уюшмаларининг ушбу йўналишдаги фаолиятига янгича мазмун кашф этди. Шу боисдан ҳисобот даврида республика тармоқ меҳнаткашларининг спартакиадалари ўтказилди. Улар асосан уч босқичдан иборат бўлиб, биринчиси корхоналарда, иккинчи босқич корхоналар жамоалари ўртасида, учинчи босқич эса республика спартакиадасининг якуний финал ўйинлари бўлди. Уларнинг дастурига волейбол, стритбол, шахмат-шашка, стол тенниси, дартс, енгил атлетика ва бошқа спорт турлари киритилди.

Шу ўринда тармоғимизда Марказий қўмитамиз томонидан таъсис этилиб, ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётган мини-футбол ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Беш йил давомида ўтказиб келинган бу мусобақаларда «Алоқабанк», «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» (уч марта), Тошкент алоқа технологиялари университети жамоалари кўчма кубок эгалари бўлишди. Мазкур мусобақа 2000 — 2001 йиларда фақат Тошкент шаҳридагина ўтказилган бўлса, 2002 йилдан бошлаб улар республика миқёсида бўлмоқда. Дастлаб улардаги иштирокчилар сони 160 - 192 нафар кишини ташкил этди. 2002 - 2004 йилларда мазкур биринчиликда 2500 мингдан зиёдроқ алоқачилар иштирок этишди. Ушбу мусобақаларни ҳудудий тарзда ўтказилиши бир томондан мусобақаларда вилоят жамоаларига иштирок этиш имкониятини берган бўлса, яна бир қулайлик - ҳаражатларни қисқартириш имкониятини берди.

**Тоҳир НАЗАРЖОНОВ,**
**Республика алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси**

## ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ
### одамларда келажакка ишончни мустаҳкамлайди

***Адолатли ҳуқуқий жамиятни барпо этиш ва эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ходимларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш ва меҳнат қонунчилигига оғишмай риоя қилинишини жамоатчилик асосида назорат этиш касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Соҳа ходимларига нисбатан меҳнат қонунчилигида кафолатланган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларида янада кенгайтириб, яратилган қўшимча имтиёзлардан ҳар бир ходимнинг баҳраманд бўлишини таъминлаш ҳам асосий вазифаларимиздан.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январ «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишига асосан ҳамда унда белгилаб берилган вазифаларни бажариш юзасидан тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитасида, шунингдек, вилоятлардаги бирлашган касаба уюшма ташкилотларида мазкур ҳужжатни ва амалдаги қонунларни ўқиб ўрганиш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан кўпгина ишлар қилинди. Жумладан, Меҳнат Кодекси, Фуқаролик Кодекси, Солиқ Кодекси, пенсия таъминоти ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларни ўқиб ўрганиш юзасидан тармоқдаги корхона ва ташкилотларда ҳар йили камида 5-7 мартадан ўқув машғулотлари, кўплаб давра суҳбатлари, ҳудудий семинар ва малака ошириш тадбирлари амалга оширилди.

Марказий қўмитага меҳнаткашлардан тушган шикоят ва аризаларни қонуний ҳал этилишини таъминлаш бўйича ҳам муайян ишлар бажарилди. Ҳисобот даврида тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитасига 69 та ёзма ва 153 та оғзаки мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг барчаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ва Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилди.

Корхона ва ташкилотлардан тушган шикоятларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари иш берувчилар томонидан 35 марта қўпол равишда бузилган. Шикоят ва аризаларда асосан «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ва «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниялари тизимидаги корхоналарда меҳнат қонунчилигига зид равишда меҳнат шартномалари бекор қилинаётгани баён этилган. Масалан, «Жиззах почтаси» акциядорлик жамиятининг Зарбдор туман филиалининг директори С.Нурматова билан тузилган меҳнат шартномаси қонунга хилоф равишда бекор қилинган. Касаба уюшма ташкилотларининг ходимни ўз лавозимига қайта тиклаш ҳақидаги қонуний талаблари асосида ва Жиззах туманлараро фуқаролик ишлари судининг қарори билан у ўз вазифасига қайта тикланди. С. Нурматованинг мажбурий бекор юрган бир йилдан кўпроқ вақти учун иш ҳақи ундириб берилди.

«Сурхондарётелеком» ходимаси Ф. Комова, «Алоқабанк» ходими Н. Башевая, «Қорақалпоқ телеком» ишчиси Р. Мўминов, «УЗИ-Қарши» ходими С. Назарова ва бошқаларнинг аризалари ҳам қонуний тартибда кўриб чиқилиб, уларнинг талаблари қондирилди.

2004 йилда тармоқ ходимларининг бевосита Марказий қўмитага мурожаатлари аввалги йилларга нисбатан кескин кўпайди. Бунга сабаб Марказий қўмита раёсатининг қарорига асосан соҳа ходимлари ўртасида уларнинг касаба уюшма ташкилотларига муносабатини ўрганиш юзасидан анкета сўровлари ўтказилганлигидир. Ушбу тадбир натижасида бевосита Марказий қўмитага Республикамизнинг энг чекка ҳудудларидан ходимларимизнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари келиши давом этмоқда.

Ҳисобот даврида ҳуқуқий соҳада амалга оширилган ишларни таҳлили шуни кўрсатдики, келгусида нодавлат ва ижтимоий ташкилотларнинг корхона раҳбарлари ва мансабдор шахслар ва ижроия идораларнинг фаолияти устидан янада жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур. Иккинчидан, касаба уюшма ташкилотлари ўз аъзоларини касбий, иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини қатъийроқ ҳимоя қилиш кўникмасига эга бўлган тақдиргина ҳуқуқий демократик давлатни ва адолатли фуқаролик жамиятни барпо этиш мумкин бўлади.

Соҳа корхоналари ва ташкилотларида меҳнат қилаётган ҳуқуқшунослар, ўрта ва қуйи бўғим раҳбарларини ва касаба уюшма фаолларини тегишли адабиётлар ҳамда ҳуқуқий қўлланмалар билан ўз вақтида таъминлаш вазифаси ҳам келгуси фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолади.

**А. АҲМЕДОВ,**
**тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитасининг бош ҳуқуқшуноси**

---

Ўтган ҳисобот даврида корхонамизда турли ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида почта соҳаси замонавий ишлайдиган ўзига хос бир йўлга тушиб олди. Табиийки бунда, касаба уюшма ташкилотининг ҳам ўз ўрни бор, албатта.

Жамоамизда айни вақтда 1 минг 500 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қиляпти. «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ўртасида имзоланган келишувга асосан филиалимизда ҳам жамоа шартномаси тузганмиз. Жамоамизда мазкур ҳужжатнинг бажарилиши ҳар ярим йилда муҳокама этиб борилмоқда.

### КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА

Ўтган беш йил давомида мазкур ҳужжатга асосан ходимларимиз махсус кийим-бош, пойабзал ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланишди. Маошлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига асосан муттасил ошиб бормоқда. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, ногиронларни ижтимоий ҳимояси доимий равишда диққат-эътиборимизда. Уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчиларга моддий ёрдам уюштириб турибмиз. Бақувчисини йўқотган 38 нафар фахрийларимиз ҳолидан муттасил хабар олиб турамиз.

Маънавий-маърифий тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Турли байрамларда тадбирлар ўтказилиб, ходимларимиз рағбатлантириляпти. Шунингдек, уларнинг Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларга саёҳатлари уюштирилмоқда.

Фарзандларимиз тарбияси ҳам диққат-марказимизда. Яқинда улар иштирокида ўтказилган «Болалар кўзида дунё» мавзусидаги кўрик-танлов бунга мисол бўла олади. Унда фарзандларимиз тасвирий санъатга бўлган қобилиятларини намоён этдилар.

Юқоридаги қилинган ишлардан хулоса шуки, ҳар бир корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда ходимларнинг бўш вақтларини кўнгилдагидек ўтказиш, улар ўртасида спорт тадбирларини қанчалик кўпроқ уюштирсалар айни муддао бўларди. Бунинг натижасида иш унумдорлиги ошиб, кутилган натижага эришамиз.

**Тамара МУХАМЕДЖАНОВА,**
**«Тошкентпочтамти» филиали касаба уюшма қўмитаси раиси**

---

## ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон касаба уюшмалари III-қурултойи қатнашчиларига йўллаган табрикномасида: «Ишончим комилки, мамлакатимизда давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида шаклланиб келаётган барқарор ва самарали муносабатлар бундан буён ҳам ижтимоий-шерикчилик тамойиллари доирасида ривожланиб бораверади» дея таъкидлаб ўтганди.

Биз айни пайтда шу тамойил асосида тармоқда қабул қилинган ижтимоий шерикчилик ҳақидаги низом доирасида фаолият олиб бордик. Бу давр тармоқ касаба уюшмасининг нуфузи, аъзоларимиз ўртасида обрў-эътибор қозониши ҳамда улар билан мустаҳкам алоқа боғланиш даври бўлди. Бозор иқтисодиёти шароитида ўз аъзоларимиз сонини сақлаб қолиш, уларга рисоладагидек хизмат кўрсатиш фаолиятимизнинг асосий мезонига айланди.

Тармоқ битимлари ва улар асосида қабул қилинган жамоа шартномалари ҳисобот даврида ҳар бир бошланғич касаба уюшма қўмитасининг асосий иш ҳужжатига айланди. Унинг бандларини бажара бориб, вилоятимиздаги тармоқ корхоналарида кейинги беш йил давомида меҳнат муҳофазаси учун 210 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шу жумладан, 2004 йилда эса бу кўрсаткич 65 миллион сўмга етди. Бу тармоқ меҳнаткашлари учун жамоа шартномасининг нақадар катта аҳамият касб этишидан далолатдир.

Ижтимоий шерикчилик тамойили талабларига биноан вилоят қўмитаси эътиборни кейинги икки-уч йил давомида қолоқликка юз тутган, жамоа шартномасини бандларини қатор йиллардан буён бажара олмай келаётган почта соҳасига қаратди. Мазкур соҳага янги тайёрланган раҳбар билан келгуси иш режалари келишиб олинди. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишчи-хизматчилардаги боқимандалик кайфиятини бартараф этиш, ишлаб чиқариш илғорларини моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлга қўйилди. Натижада 2003 йилнинг 9 ойини катта зарар билан якунлаган корхона жамоаси тез орада қолоқликка барҳам берди. Жамоа шартномасидаги ҳамма асосий бандлар бажарилишига эришилди. 2003 йилда ҳар бир ходим йил давомида атиги 16,6 минг сўм қўшимча даромад олган бўлса, 2004 йил якуни бўйича бу кўрсаткич тўрт баробарга кўпайди. Умуман вилоят алоқа тармоғи бўйича ишчи-хизматчиларга жамоа шартномасида кўзда тутилгани ҳолда ҳар бир ходимга тўланган қўшимча маблағ 200 минг сўмни ташкил этди. «Ўзбекистон - Индонезия интернейшнл» қўшма корхонаси Самарқанд шаҳар филиали, «Самарқанд телеком» филиали уяли алоқа хизмат кўрсатиш корхоналарида бу кўрсаткич бунданда баланд бўлди.

Табиийки, бундай ютуқларга эришишда касаба уюшма ташкилотининг ҳам муносиб улуши бор. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бизнес режаларни ортиғи билан бажариш меҳнаткашларнинг турмуш даражасини яхшилашнинг асосий омили эканлигини яхши англаган касаба уюшма ташкилотлари жойларда маданий-маърифий ишларни яхшилаш, соғлом турмуш тарзини ҳар бир ходим ва унинг оилавий ҳаётига татбиқ этиш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Шу мақсадда ўтган йиллар мобайнида қатор корхоналарда маданият ва маърифат хоналари ташкил этилди. Тармоқ корхоналарининг таркибий бирикмалари тарқоқ жойлашганлиги эътиборга олиниб, касаба уюшма гуруҳлари қайта тузилди. Уларни зарур ахборот билан таъминлаш, фаолларнинг масъулияти ва билимини ошириш юзасидан тегишли ишлар олиб борилди.

2000 - 2004 йиллар мобайнида вилоят алоқачиларининг 240 нафари санаторийларда ўз соғлиқларини тикладилар. 1 минг 118 нафар фарзандларимиз ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдирилди. Жамоа шартномасига биноан болалар ёзги оромгоҳларига йўлланмалар бепул тарқатилди.

Тармоқ спортчилари республика ва вилоят миқёсида ўтказилган спартакиадаларда юқори натижаларга эришишди. Биз бугун аёллар волейбол жамоаси, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича ғолибликка эришган спортчиларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

**Т. РАҲМАТОВ,**
**тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитасининг Самарқанд вилояти бўйича вакили - бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

---

### ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ШАРОФАТИ

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» шохобчасида 35 йилдан буён ишлаб келаман. Маълумки, жамоа истиқболини ҳамда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида жамоа шартномаси тузилади. Ушбу ҳужжатга асосан ҳар бир ишчи-хизматчи ўзининг ҳақ-ҳуқуқи, шу билан бирга корхона олдидаги масъулиятини аниқ ҳис этиши лозим.

Шахсан ўзим шартнома бандларига кўра иш билан таъминланганман. Бундан ташқари, қанча маош олишим, иш стажим ошганлигига қараб қандай имтиёзларга эга бўлишимни ҳам аниқ биламан. Жамоа шартномасида маошни вақтида тўлаб борилиши, иш натижасига кўра мукофот даражаси, таътил кунларининг муддати ва бошқа моддий ёрдамлар ҳам аниқ кўрсатилган. Ҳам ишлаб, ҳам ўқийдиган ёшларимизга, пенсияга чиқувчиларга ҳам имтиёзлар яратилган.

Ўтган 2004 йил охирида жамоа шартномасининг бажарилиши бўйича корхонамизда йиғилиш бўлиб ўтди. Кўпчилик ўзларининг таклиф ва истакларини ҳам билдиришди. Агар ҳар биримиз жамоа шартномаларига жиддий муносабатда бўлсак, ишонаманки, унинг таъсирчанлиги ҳамда салоҳияти янада ошган бўларди.

**А. ТЎРАЕВ,**
**алоқачи**



## ЎЗИ ХОН, КЎЛАНКАСИ МАЙДОН

Инсонга нисбатан адолатсизлик қилинса бунга тоқат қилолмайди. «Сурхондарётелеком» Музработ алоқа боғланмасининг ходими Гулчеҳра Умаровага ҳам раҳбарлар ноқонуний муносабатда бўлишди. Бунинг ҳеч қандай қонун доирасига сиғмаслигини ҳис этган ходим касаба уюшма қўмитасига мурожаат этди.

Воқеа бундай бўлганди. Корхона раҳбарияти пенсия ёшига етганини рўкач қилиб, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди. Касаба уюшма ташкилоти ходимнинг ноқонуний равишда ишдан бўшатилганлигини исботлади. Мазкур меҳнат низоси судда ҳам кўриб чиқилди. Тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитаси Гулчеҳра Умаровани қатъий туриб ҳимоя қилганлиги натижасида у ўз вазифасига қайта тикланди. Унга етказилган моддий ва маънавий зарар ундириб берилди.

Бундай мурожаатлар Марказий қўмитага келиб турибди. 2004 йилда меҳнаткашлардан 26 та ёзма шикоят келиб тушди. Улар юзасидан текширув ишлари ўтказилиб, 14 нафар ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди. Шу жумладан, Тошкент шаҳар Телефон тармоғи ходимлари Р.Казанцева, О.Нестеренко, «Ўзбектелеком» акционерлик компаниясининг етакчи муҳандиси Ф.Оқмирзаевалар касаба уюшма ташкилотлари аралашувидан сўнг ўз хоҳишларига кўра бошқа ишга ўтказилдилар. Ф.Ҳасановага нисбатан қўлланган интизомий жазо чораси бекор қилиниб, унга тегишли бўлган мукофот пули ундириб берилди.

Мана шундай аснода ноқонуний ишдан бўшатилган М.Акбаров ҳамда А.Бруклар севган касбларига қайтдилар. Жиззах вилоятидан М.Маҳсумов, Тошкент шаҳридан Г.Чегареванинг имтиёзлардан ноқонуний равишда маҳрум этилганликлари ҳақидаги шикоятлари ўзининг ижобий ечимини топди.

Шу ўринда бир савол туғилади. Нега айрим корхона раҳбарлари мен раҳбарман, меники тўғри қабилида иш тутишяпти? Бунинг асосий сабабини айрим раҳбарларнинг қонунларни назар-писанд қилмасликлари ёки ҳуқуқий саводхонликнинг саёзлигидан қидириш керакка ўхшайди. Бунинг оқибатида асаблар қақшаб, меҳнаткашларнинг вақтлари зое кетмоқда.

**Р.НЕЪМАТОВ**





# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## Биз билган, билмаган дунё

# МАШҲУР САЙЁҲ

Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистоннинг Бижонагар вилоятига қилинган элчилик сафарининг тарихий аҳамияти шундаки, Шоҳрух даврида бу икки давлат ўртасида бундай яқин дипломатик алоқалар кўнгилдагидек йўлга қўйилмаган эди. Шоҳрух ҳукмронлик қилган Мовароуннаҳр билан Бижонагар ўртасидаги дипломатик алоқани биринчи бўлиб Абдураззоқ Самарқандий бошлаб берди. Тўғри, Шоҳрух салтанати билан бошқа давлатлар ўртасида элчилик алоқалари Абдураззоқ сафаригача ҳам маълум эди.

Жумладан, «Матлаи садайин»дан маълум бўлишича, 1409 йиллардаёқ Хитой императори Дой Минг Хондан Ҳиротга элчилар келганлиги ҳақида анча кенг маълумотлар берилади. Бу элчилар Темурнинг ўлими муносабати билан таъзияга келган эдилар. 1412 йилда ҳам бир гуруҳ элчилар Хитойдан ташриф буюрганлиги ҳақида хабарлар берилади. Абдураззоқ 1417 йилда ҳам Хитойдан бу шаҳарга элчилар келганда, уларга қўшиб бу ердан Ардашер товачи элчи қилиб юборилганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Албатта у пайтда Абдураззоқнинг ўзи ҳали 4 яшар бола эди. Лекин кейинроқ улғайгач, улар ҳақида батафсил маълумот берган Ҳофизи Абрунинг «Зубдатул товорих» асаридан бу далилларни сайлаб олади. Унинг айтишича, Хитой кўлларининг қандайлигини, шаҳар ва вилоятларининг сифати, қоидалари, подшоҳларнинг мартабаси, идора усуллари, сиёсати, қурилиш ишлари, ажойиботларини тўла тасвирлаб келиш учун Ғиёсуддин Наққош деган бир тарихчи, хаттот Хитойга юборилади. У 1419 йили Хитойга жўнаб, у ердан 1422 йилда қайтиб келади. Бунинг тафсилини ҳам Абдураззоқ ўрни билан «Матлаи садайин»да тасвирлаб кетади.

Абдураззоққача ҳам Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларидан бир неча марта Ҳиротга элчилар ташриф буюришган ва у ерга ҳам бу ердан элчилар борган. Бироқ Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги бу элчилик алоқалари, савдо-сотиқ ишлари фақат қуруқлик йўллари орқали амалга оширилган эди. Абдураззоқнинг у ерга элчилик сафари мутлақо бошқача. У Уммон ярим оролидан Арабистон денгизи орқали 4 минг километрлик оғир сув йўлини босиб ўтган. Унинг денгиз бўйига етиб боргунча кўрган машаққатлари ҳам жуда оғир ва хатарли кечган. У 1442 йил Рамазон ойининг бошида Кўҳистон йўли билан Кермон биёбонларини ошиб ўтиб, Макрон ва Слистон орқали Домғонгача бўлган масофада беҳад офат ва хавф туғдирувчи воқеаликларни бошдан кечиради. Форс қўлтиғига жойлашган Ҳўрмуз бандаргоҳига эсон-омон етиб боргач, у ерни «дорул амон» деб атайди. Чиндан ҳам Ҳўрмуз шаҳрида турли миллатга мансуб одамлар ўзаро тил топишиб, фаровон ҳаёт кечиришган. У ерда яшовчи одамлар бир-бирларининг ҳақига ҳиёнат қилмайдиган инсофли, одобли, диёнатли кишилар сифатида танилган.

Унинг таъриф қилишича, Ҳўрмуз шунчалик ривож топган вилоятки, бу ерга дунёнинг ҳар бир чеккасидан савдо-сотиқ учун савдогарлар келиб турган. Масалан, Абдураззоқ шаҳарда Миср, Шом, Рум, Озарбайжон, Араб, Ажам Ироқлари, Форс, Хуросон, Мовароуннаҳр, Туркистон, Дашти Қипчоқ, Қалмоқ, Чин-Мочин, Хонболиқ, Жова, Бангала, Шири Ланка, Тамосир, Зирабод, Сухутра, Гулбарча, Гулжарот, Канбож, Адан, Жидда ва Янбу вилоятларидан ҳам савдогарлар келиб савдо қилаётганлигини ўз кўзи билан кўрган. Савдогарлар қилган савдолари учун давлатга натурал солиғида «ушр» тўлаганлиги ҳам Абдураззоқ берган маълумотда намоён бўлади.

Сайёҳларга маълумки, сафар ойида денгизда сузиш жуда хавфли ҳисобланган. Шунга қарамай, Ҳўрмуз ҳокимининг кўнглида Абдураззоққа нисбатан ёмон иллат бўлганлиги учун кажхулқлигини кўрсатиб, сайёҳларни 75 кун ушлаб турган. Қачонки, денгизда тўфон балоси кучайиб, қароқчилар жунбушга келадиган пайтда кемани йўлга тушишга рухсат этади. Бироқ, Абдураззоқ бошчилигидаги Ҳинд диёрига кетаётган савдогарлар «Ҳозир денгиз сафари мавсуми тугади, кимки шу вақтда йўлга чиқса, ўз жонига ўзи қасд қилган бўлади» деб кеманинг ижара ҳақини тўлаб Қурайёт бандарига қайтадилар. Бу ерда ёз иссиғи шу қадар забтига оладики, Ҳирот ҳавосига ўрганган сайёҳлар бирин-кетин касал бўлиб ётиб қоладилар. Ўшанда сафарда бирга бўлган Абдураззоқнинг энг кичик акаси донишманд маҳдум мавлоно Афифуддин ҳам қаттиқ бетоб бўлиб, ўша ерда жон таслим қилади. Шундай қилиб, денгиз сафарга чиққанлар «табоҳлик» ҳолатида 3 ойга яқин муддат шу даргоҳда туриб қоладилар. Шундан сўнг ҳинд мамлакатига томон сузиш учун кемага рухсат этилади. Улар 18 кун кечаю кундуз денгизда сузиб, Кашкут бандарига етиб борадилар. Абдураззоқ бу ерларнинг бозорларини айланиб, турли музофатлардан олиб келинган савдо молларини томоша қилади, Ҳижоз ва Байтуллоҳдан келган кишилар билан мулоқот қилиб кўнглини ёзади. У мусулмон аралаш яшайдиган бу манзилда иккита масжиди Жомеда бўлади ва у ердан имоми Шоф мазҳабидаги кишилар билан тил топишади.

Шоҳруҳнинг Жанубий Ҳиндистон мамлакатлари ўртасида ҳам эътибори юқори эканлигини Абдураззоқ у ерга борганда яна ҳам теранроқ тушунади. Афтидан, Темурнинг Ҳиндистонга зафарли юриши, унинг лашкарбошилик шукуҳи Шоҳрух даврида ҳам ўз мавқеини йўқотмаган бўлса керак. Шу боисдан улар ҳарбий масалалар бўйича Шоҳрух салтанатига бот-бот мурожаат этиб турардилар. Жумладан, Бангола шоҳи Ҳоқони Саидга махсус элчи юбориб, Жўманур шоҳи Иброҳим Султоннинг босқинчилик юришларини тўхтатишга ёрдам сўраб арз қилганларида, Шоҳрух у ерга Шайхулислом хожа Каримуддин Жомийни махсус юбориб, Иброҳим Султон номига қуйидаги мазмунда хат йўллаган: «Бангола мамлакатига ҳужум қилинмасун, акс ҳолда бошингга нима тушса ўшани кўрасан». Аслида Абдураззоқнинг ўзи ҳам Каликут валийсининг Ҳиротга келган элчисига жавоб тарзида бу мамлакатга юборилаётган эди. Шоҳрух салтанатида хизмат қилиб турган юқори мартабали амалдорлар ўзаро муҳолифлик қилиб «Шояд шу элчилик баҳонасида Абдураззоқ йўлда нобуд бўлиб кетса», деган ёмон ният билан ҳам уни шу қийин сафарга рўбарў қилишган эди. Абдураззоқ бу хатарли сафардан уч йил ўтиб қайтиб келганида, ўша ғаламис ғийбатчиларнинг ўзлари йўқлик дунёсига равона бўлган эди. У Коликутга етиб боргач, бу ерда яшовчи номусулмонлардан браҳман ва жугийлар ҳақида жуда қизиқарли маълумотлар олади. У браҳманларнинг бир тоифаси ҳақида гапириб, уларда битта хотиннинг бир вақтнинг ўзида бир неча эр билан яшашини хабар қилади. Коликут валийси саналмиш «Самури» ҳам худди шу қавмдан экан. Абдураззоқ унинг ҳузурида бўлиб, ҳоқони Саид бериб юборган совғаларни «Самури»га топширади.

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**
**филология фанлари номзоди**

(Боши ўтган сонда)

( Давоми бор)

## ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ

Денгиз оқимлари ичида тезлиги жиҳатидан Тинч океанидаги жанубий пассат оқими биринчи ўринда туради. Бу оқим бир кеча кундузда 185 километргача тезлик билан ҳаракатланади.

* * *

Дунёдаги энг баланд чўққи Ҳималай тоғларидаги Жомолунгма (Эверест) деб аталадиган чўққи бўлиб, унинг баландлиги 8848 метрдир. Жанубий Америкадаги Эквадор мамлакатининг Котопахи деб аталадиган вулқони 5896 метр баландгача кўтарилади.

* * *

Қуёш тизимига кирадиган сайёралар йўлдошлари ичида энг каттаси Сатурннинг Титан деб аталмиш йўлдоши бўлиб, унинг диаметри 5500 километрни ташкил этади.

* * *

Битта автомобил минг километр масофани босиб ўтганда бир одамнинг йил давомида сарф этадиган миқдордаги кислородни йўқотади.

* * *

Ирландиянинг Киллерни ороли яқинидаги «Бургут уяси» деб аталадиган қишлоғида энг кўп такрорланадиган акс садо чиқади. Қишлоқдан карнай чалинса, унинг акс садоси 100 мартадан ҳам кўп қайталанади. Ҳайвонлар ичида энг уйқучани сичқон ва қуёнлар. Улар бир кеча-кундузда 20 марта ухлашади.

**А.АЛИЕВ**

## Премьера...

*Ўзбек Миллий академик драма театри шу кунларда ҳар қачонгидан гавжум. Таниқли испан драматурги А.Кассона қаламига мансуб, моҳир мутаржим Қ.Мирмуҳамедов томонидан ўзбек тилига ўгирилган «Дарахтлар тик туриб жон беради» асари премьерасини кенг томошабинлар илиқ кутиб олишди.*

# «ДАРАХТЛАР ТИК ТУРИБ ЖОН БЕРАДИ»



Қизиғи шундаки,. асар бундан 30 йиллар муқаддам атайин ушбу театр жамоаси учун таржима қилинганди. Аммо айрим сабабларга кўра саҳна юзини кўрмай, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Римма Аҳмедова қўлида авайлаб-асраб келинган. Бир неча йил аввал Р. Аҳмедова Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаевани чақириб, шу асарнинг театрда қўйилишини ва бош рол – буви образини ижро этишни сўрайди. Яйра опа асарни ўқиб чиқиб, театр директори Ёқуб Аҳмедов ҳамда бош режиссёр Валижон Умаровга тавсия этади. Асар уларга ҳам маъқул келади. Шу асарни саҳналаштириш бошлаб юборилди. Албатта, асосий рол – буви образини ижро этиш Яйра Абдуллаевага топширилди. Буни қарангки спектакл тайёр бўлиб қолганида Яйра опанинг тоби қочиб, юрагини операция қилишга тўғри келади. Лекин икки ҳафта ўтар-ўтмас Яйра опа яна театрда пайдо бўлди. Иш яна қизиб кетди. Премьерадан сўнг, Яйра опани табриклаб, суҳбатга тортдим.

– Бу классик асар 1949 йилда ёзилган бўлса-да, худди шу бугунги томошабинлар учун битилгандек, – дейди Яйра опа. Асар мазмуни шундай: меҳр-шафқат, саховат фирмасига жабр кўрган кишилар ташриф буюришади. Кунларнинг бирида бу идорага Бальбао деган қария ташриф буюриб, яқиндан кўмак беришларини, керак бўлса артистлик қилиб бўлсада, невараси ва келини ролини ижро этиб беришларини, бу эса унинг оиласи учун жуда-жуда зарур эканлигини тушунтиради. Аслида чолу кампирнинг ягона невараси ёшлигидаёқ ёмон йўлга кириб кетган, бобосию бувиси сўзига кирмай уларга турли найранглар кўрсатган. Кунларнинг бирида у – (Маурисио – артист Тоҳир Саидов) Канадага кетиб қолади. Чолу кампир орадан 20 йил ўтса-да, ундан умидвор бўлишади. Дарак бўлавермагач изтиробга тушишади. Айниқса, кампирнинг кўпроқ азоб чекаётганини кўрган чол (Бальбао артист – Ўзбекистон халқ артисти Рихсивой Авазов) почта орқали унга невараси номидан қалбаки хатлар, телеграммалар юборади. Неварасидан шунча йил хат-хабар бўлмагач, буваси юқорида айтилган меҳр-мурувват уйига келиб, унинг директорини (артист – Муҳаммадали Абдуқундузов) бу ишга рози қилади.

Кунлардан бир кун 20 йил муқаддам йўқ бўлиб кетган ҳақиқий невара Маурисио ташриф буюради. Буваси неварасини таниб қолиб, четга олиб нимага келганини сўрайди. Невара эса уялмай-нетмай тезда унга 200 минг доллар топиб беришини, ёки уйини сотиш кераклигини айтади. Буваси дарғазаб ҳолда, уйдан ҳайдаб чиқаради. У эртаси кун яна келади. Шунда бувиси невараси эканлигини сезиб қолади. Бемеҳр неваранинг океан оша пул туфайли келганини эшитиб, ўта ғазабланади. Тиз чўкиб, бувижон мени кўчаларда ўлиб кетишимни хоҳлаяпсизми, деган гапларига ҳам қулоқ солмай мунофиқ неварани йўқол, бу уйдан, дея қувиб солади.

Асар бош ижрочиси – Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева спектаклнинг бошидан то охиригача томошабинни ҳам ушлаб туради. Бувининг неварасига бўлган муҳаббати спектаклнинг якунигача сезилиб туради. Аммо юрагидаги гапларни очиқ-ойдин айтолмайди. Томошабин европача буви образини қойилмақом ижро этган Яйра Абдуллаеванинг хатти-ҳаракатига, маҳоратига қойил қолади, ҳар бир сўзини эса интиқлик билан тинглайди, мушоҳада қилади. Унинг ижросидаги буви образи томошабинни лол қолдиради.

Унинг ёнидаги барча ижрочилар, буваси ролини ижро этган Ўзбекистон халқ артисти Рихсивой Авазов, фирма директори – Маурисио образини яратган, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов, Марта – келин ролининг ижрочиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Юнусоваларнинг хизмати катта бўлган.

Асар мобайнида бувиси ҳамда бобосини чамбарчас бирлаштириб турган образлар – фирма директори – Маурисио невараси, яъни Муҳаммадали Абдуқундузов ҳамда келини образини ижро этган Сайёра Юнусовалар ҳам ўз маҳоратларини кўрсата олганлар. Уларнинг ҳар бир ҳаракати, ҳис-ҳаяжонга тўла ижроси шундай ҳам бувисини ишонтирадики, у севинчидан ўзини қаерга қўйишни билмайди. Мана шу икки образни яратувчилар бир-бирини яхши тушуниб ижро этишлари натижасида асарнинг ривожланишига ва яхши якун топишига, уларнинг ички ҳиссиёти, самимий ижроси, зукколиги, ҳар бир образ билан тезда киришиб кетиши томошабинда катта таассурот қолдиради.

Янги спектакл яратишда саҳналаштирувчи режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров бир-бирларини яхши тушунган санъаткорларни жалб этиш билан асарнинг ҳар томонлама етук, томошабоп бўлишига катта ҳисса қўшган. Бу жаҳон мумтоз асари барча томошабинларга мўлжалланган бўлиб, айниқса бугунги ёшлар тарбияси, онги, маданияти ва маънавиятининг янада шаклланишида оламшумул аҳамиятга эга.

Спектакл декорацияси ва либосларини яратган рассом Ольга Белогужева, композитор Ойдин Абдуллаевалар ҳам бу замонавий асар яратилишида ўзларининг муносиб улушларини қўшишган.

Спектаклда жузъий камчиликлар бўлиши, табиий, аммо томошабинларнинг олқишлари билан қабул этилган бу янги, замонавий, Миллий академтеатрга хос асар, барча нуқсонларни ювиб кетгандай туюлди, назаримда.

**Раҳимжон ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Футбол-тест

# КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

**1. Миллий терма жамоамиз бош мураббийи...**
A) Юрген Гёде
B) Равшан Ҳайдаров
C) Тачмурод Агамуродов
D) Виктор Борисов

**2. Испаниялик машҳур футболчи, «Реал» ҳужумчиси Фернандо Морьентес қишки трансфер пайтида қайси жамоага ўтганлигини биласизми?**
A) «Рома»га
B) «Барселона»га
C) «Ливерпул»га
D) «Монако»га

**3. «Севинч» аёллар футбол жамоаси қайси вилоят шарафини ҳимоя қилади?**
A) Самарқанд
B) Қашқадарё
C) Наманган
D) Андижон

**4. 2004 йилнинг энг кучли жамоаси...**
A) «Валенсия»
B) «Бока Хуниорс»
C) «Милан»
D) «Манчестер Юнайтед»

**5. Қуйида берилганлар орасидан футбол шарҳловчисини топинг.**
A) Гали Имомов
B) Элдор Тожибоев
C) Шамил Толипов
D) Мирзаҳаким Тўхтамирзаев

**6. Испания чемпионатида қатнашган «Кордоба» жамоасида 1980 йилги мавсумнинг 14-турига қадар 6 нафар мураббий алмаштирилган. Уларнинг сўнггиси бу лавозимда бор-йўғи ... ишлаган.**
A) 1 кун
B) 30 дақиқа
C) 1 ой
D) 5 дақиқа

**7. Ўтган йилги мавсумда биринчи лига ўйинларида нечта жамоа қатнашган?**
A) 11 та
B) 18 та
C) 20 та
D) 22 та

## Ҳаётий ҳангомалар

### «АДИДАС» ФОЙДАСИ

Қодир амаки серфарзанд ва жўжабирдай жон. У ҳамиша фарзандлари ташвиши билан яшайди. Катта ўғли Акбарга ёзда ҳашар йўли билан уй қурди, лекин камхаржлиги туфайли томига шифер ёпилмай қолди.

Болаларнинг ёзги таътили тугаб мактабга борадиган бўлгач, Акбар улар учун янги кийим-бош ва ўқув қуроллари олиш мақсадида бозорга иккита қўй чиқариб сотди. Ортган пулларига эса оила аъзоларининг қисталовидан сўнг ўзига, ўғил-қизи ва хотинига биттадан «Адидас» спорт кийими харид қилди. Лекин оила бошлиғи бунга ғаши келиб анча вақт буни ҳеч кимга сездирмади.

Куз ойлари тинимсиз ёққан ёмғирдан сўнг янги уй томидан чакка ўта бошлади. Буни кўриб унинг кўнгли баттар эзилди.

– «Адидас»ларни томнинг устига ёпиб қўй, – деди Қодир амаки Акбарга киноя билан.

– Ёмғир ҳам ўтар-кетар.., – деди ўғли ҳам бўш келмай. Оила аъзолари ҳам бунга кўп эътибор беришмади, бўш вақтларини стадионда ўтказишди. Кейинчалик эса туманда ўтказиладиган «Онам, отам ва мен» оилавий спорт мусобақаларига қатнашиб, ғолиб бўлишди.

### ҲАЙРОН БЎЛИШДИ

Кўкгумбаз қишлоғи аҳлининг ҳеч бир тўй-ҳашамлари ўйин-кулги, шоду хуррамликсиз ўтмайди. Буни атрофдаги узоқ-яқин қишлоқ одамлари ҳам яхши билишади.

Бир куни қишлоққа келган меҳмонлардан бири зиёфат устида:

– Хўш, уста Мамаражабнинг келин тўйи қандай ўтди? – деб қизиқиб қолди.

– Битта тўй шундай бўлади, – деди мезбонларнинг ёши улуғи.

– Санъаткорларнинг маҳоратини айтмайсизми? Ҳатто, ёшлар ўртасида ҳам жанжал бўлгани йўқ.

– Э, ундай бўлса тўй-тўйдек бўлмабди, оғайнилар.

Кутилмаганда ҳалиги меҳмоннинг бу гапидан мезбонлар ҳайрон бўлишди.

### Э, ҚОЙИЛ !

Шерали ўрта ёшлардаги шошқалоқ ва ҳар нарсага ишонувчан одам. У бир куни дўсти Камол билан қирқ чақирим келадиган йўлга тоғасининг эски русумли «Запорожец»ида борадиган бўлди. Автоулов ҳужжатлари олдиндан расмийлаштирилиб қўйилганди. Бахтга қарши ярим йўлда автоулов ёнилғиси тугаб анча ҳаяллаб қолишди.

Дарҳол Шерали сатил кўтариб ўтган-кетган йўл транспортига қўл кўтара бошлади. Чамаси икки соатлардан кейин улар бир танишига дучор бўлишди ва мушкуллари осонлашгандай бўлди. Икки дўст ўзларида йўқ хурсанд. Бироқ уларнинг хурсандчилиги узоққа бормади. Иккалови автоулов бензобакини топишолмай хўп хуноб бўлишди. Кейин тағин ўтган-кетган йўл транспортига қўл кўтаришиб сарсон-саргардон бўлишди. Ҳали-вери «Запорожец»нинг бензобаки қаерда жойлашганини биладиган одам топилмасди.

Яхшиям йўловчиларнинг бири автоуловнинг олд томонидаги капотини очиб бензобакни кўрсатиб берди. Бир зумда туман марказига бориб келмоқчи бўлишган икки дўстнинг вақтлари кун бўйи йўлда ўтди.

### «САДАҚА»

Ўрта ёшлардаги аёл манзилга қизалоғини етаклаб ёш ҳайдовчига бир қанча тангаларни узатди.

– Олақол, садаға, – деди у ҳайдовчининг кўнгли тўлмай норози бўлаётганини англагач.

Ёш ҳайдовчининг эса тепа сочи типпа-тик бўлиб кетди.

– Садақа? – сўради у ажабланиб. – Олинг-е, шу майда чақаларингизни. Нима деяпсиз, хола?!

У она-болани навбатдаги бекатга туширгач, йўл кира ҳаққини ҳам олмай автоуловини шитоб билан ҳайдаб кетди.

Аёл эса ҳеч нарсага тушунмай тобора узоқлашаётган машина ортидан қараб қолди.

**Абдулла САИДОВ**

Мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган Муҳиддин Қориёқубов номидаги республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

Фарғона вилоятидаги йигирма тўққизта мусиқа ва санъат мактабида таҳсил олаётган ёш истеъдодлар танловда миллий санъатимизнинг ўзига хос қирраларини турли йўналиш ва созларда намойиш этдилар.

### ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ТАНЛОВИ

Фарғона шаҳридаги 1-болалар санъат мактаби ўқувчиси Феруза Маҳмудова, Бувайда туманидаги 17-болалар мусиқа мактаби ўқувчиси Сардор Назаров ҳамда Қўқон шаҳридаги 5-болалар мусиқа мактаби ўқувчиси Дилшод Ҳамидов ижросидаги мумтоз наволар ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Ёзёвон туманидаги 28-болалар санъат мактаби ўқувчиси Нодира Қосимова қўшиқчилик йўналишида ғолиб деб топилди.

Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

**(ЎзА)**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Авлоний номли ўқитувчилар малакасини ошириш институти қошидаги санаторий-профилакторий бош шифокори Ҳалим Маҳмудовга турмуш ўртоғи

**ФЕРУЗА** аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

ЎзКУФК Курортлар бошқармаси жамоаси бошқарманинг собиқ бошлиғи Ҳалим Маҳмудовга турмуш ўртоғи

**ФЕРУЗА** аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади

## НИМ ТАБАССУМ

Неврапотолог бемордан сўради:

– Сизда бир ҳолат бўлиб турадими – овозни эшитасиз-у, лекин ким қаердан гапираётганини билмайсиз?

– Тез-тез бўлиб туради, доктор.

– Жуда чатоқ-ку! Қай вақтларда шундай бўлади?

– Телефонда гаплашганимда...

* * *

Инспектор балиқчига пўписа қилди:

– Нега тақиқланган жойда балиқ тутяпсиз?

– Балиқ тутаётганим йўқ, чувалчангни чўмилтиряпман.

– Қани, бир кўрай-чи! Бўлди, жарима тўланг.

– Нима учун.

– Чувалчангни яланғоч чўмилтираётганингиз учун.

* * *

Касби ўқитувчилик бўлган балиқчи лаққа балиқнинг боласини ушлаб олибди-да, уни бироз томоша қилиб туриб, қўйиб юборипти.

– Бўпти, уйингга жўнайвер, лекин эртага ота-онангни олиб кел.

* * *

Бир безори тўрт кишининг кетидан қувиб кетаяпти.

– Нега қочяпсизлар,–деб сўрабди улардан йўловчи кампир.– Ахир у бир ўзи, сизлар тўрт киши-ку?

– Қай биримизни қувлаётганини билмаймиз-да...

* * *

– Сен мени севасанми? – деб сўрайди қиз.

– Ҳа, албатта! – жавоб берди йигит.

– Сен менга уйланасанми?

– Хўп қизиқ одатинг бор-да! Дарров гапни бошқа ёққа бурасан.

* * *

Кайфи тароқ бир одам кўчада ўтиб кетаётган бир қиздан сўради:

– Ойим қиз, айтинг-чи, бошимда нечта ғурра бор?

– Учта, –деб жавоб берди қиз хавотирланиб.

–Сизга ташаккурлар, – деди маст тили қалтираб. – Демак, уйимгача яна бешта симёғоч бор экан.

* * *

Киноактриса ўзининг оқсочини ишдан бўшатипти.

– Айбим нима? – деб сўради оқсоч.

– Айбингиз шуки, сиз ҳаммага меникида ўттиз йилдан бери хизмат қилаётганингизни гапириб юрибсиз.

* * *

Катта бир банкирнинг ўғли одам ўлдириб қўйипти. Ташвишга тушган отаси телеграмма билан таниш адвокатни чақирипти. Телеграммада «Ишни ютиб чиқсанг, беш минг доллар оласан» дейилган экан. Икки соатдан кейин жавоб келипти: «Навбатдаги самолётда учта гувоҳ билан йўлга чиқяпман».

* * *

Машҳур профессорнинг ёрдамчиси ундан сўрапти.

– Устоз, ҳар гал сиз бемордан кун бўйи еган овқатини синчиклаб сўраб оласиз. Наҳотки, беморнинг касалини аниқлаш учун буни билишнинг аҳамияти бўлса?

– Йўқ, азизим. Буни билиш ундан қанча ҳақ олишни аниқлаш учун зарур.

* * *

Сартарошнинг ошнаси унга қарз берипти.

– Раҳмат сенга, дўстим! – деб хитоб қилипти сартарош суюниб. Агар бошингга бирор мусибат тушса, бутун дунё сендан юз ўгирса, агар ота-онанг воз кечганида ҳам менинг олдимга келавер – сочингни бепул олиб қўяман.



А.ХАКИМОВ чизган сурат

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.10

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.*

Тиражи: 17262 Буюртма Г— 115 1 2 3 4 5